

РҮЗНОМА  
1930 ЙИЛ  
12 МАЙДАН  
ЧИКА  
БОШЛАГАН



# Жасон

ЎЗБЕКИСТОН ССЖ ИИВ ҲАЙЪАТИ НАШРИ

Қонунчиллик ва ҳуқук-тартибот учун!

№ 75 (2339)

● 1991 ЙИЛ 22 ИЮНЬ

● ШАНБА

● БАҲОСИ 10 ТИИИН

## РАҲМАТНОМА

Ички ишлар вазири  
В. Камоловга ССЖИ  
нонби К. Сайдовдан  
мактуб келди. Унда ич-  
ки ишлар ходимлари  
шашнинг илиқ гаплар  
айтилган. Унинг маз-  
мунини тўлиқ келтира-  
миз.

Хурматли Вячеслав Мух-  
торович!

Маълумки кейинги пайтлар-  
да мамлакатимизда ҳар хил  
жиноятларнинг сони кўпайиб  
бормоқда. Ички ишлар хо-  
димларидан жиноятларнинг  
олдин олиш, уларни очиш,  
турли тадбирларни тез ва ўз  
вактида ўтказишдек муҳим  
вазифаларни бажариш талаб  
қилинмоқда. Кўп ҳолларда  
ички ишлар ходимлари ваз-  
ифаларини вижданан ба-  
жариб, ўта хавфли жиноят-  
ларнинг олдини олишмоқда.

Менга Самарқанд вилояти-  
нинг Оқтош шаҳрида яшовчи  
Б. Омонова мурожаат қил-  
ди. У номаълум шахслар то-  
монидан дўк-пўписали хат  
олган. Унда агарда 10.000 сўм  
пулни белгиланган жойга  
қўймаса, иккита кичик ўғли-  
ни ўғирлаб, шахсий енгил  
автомашинаси ва уйини ёқиб  
юбориши билдирилган.  
Б. Омонова эса дарҳол Нар-  
пай тумани ИИБга бу ҳа-  
да хабар берган. ИИБ хо-  
димларининг оператив ҳара-  
катлари туфайли жиноятчи-  
лар қўлга олинган. Б. Омо-  
нова уларнинг бу олийжаноб  
хизматларидан юқори таш-  
килотларни хабардор эти-  
шимни ва уларга ташаккур-  
нома билдиришларини ил-  
тимос қилишимни сўраган.

Ҳақиқатдан ҳам Нарпай  
тумани ИИБ бошлиғи мили-  
ция подполковники Х. Қоди-  
ровнинг ҳар бир вазиятни  
хисобга олиб, тадбиркорлик  
билиш олиб боргани боис  
18 майдан 19 майга ўтар ке-  
часи соат 02.30 да жиноятчи-  
лар қўлга олиндилар. Бу  
жиноятчилар гурухининг ав-  
вал ҳам шунга ўхшаш кўплаб  
жиноятлар содир этганлиги  
маълум бўлди.

Бошлиқ ўринбосари мили-  
ция капитани А. Бобокулов  
раҳбарлик қилган гурӯҳ куч-  
ли ёмир ёшигига қарамай жи-  
ноятчиларни зарарсизлантириш  
тадбирини мувваффакиятли  
амалга ошири.

Хурматли Вячеслав Мух-  
торович!

Сиз раҳбарлик қилаётган  
ички ишлар идораларининг  
ана шундай ўз ишига мо-  
ҳир, пухта, тадбиркор хо-  
димлари бор экан, сайловчи-  
ларни илтимосига кўра улар-  
га миннатдорчилигимни бил-  
дириб, раҳматнома йўлла-  
моқдаман.

Сиздан ушбу операцияда  
қатнашган милиция ходимла-  
рини вазирлик томонидан  
ҳам тақдирлашингизни сў-  
райман.

Сизга ҳурмат билан 107-  
Каттақўргон миллӣ-худудий  
мавзесидан ССЖИ ҳалқ нонби

К. САЙДОВ.

## РОДИНА-МАТЬ ЗОВЕТ!

## ВАТАН УЧУН!



Бундан 50 йил муқаддам ҳудди шу тонѓда

Улуғ Ватан уруши бошланган эди

### ЎЗБЕКИСТОН СОВЕТ СОЦИАЛИСТИК РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

#### ДИНИЙ БАЙРАМ «ҚУРБОН ҲАЙИТ»НИ ДАМ ОЛИШ КУНИ ДЕВ ЭЛЬОН ҚИЛИШ ҲАҚИДА

Мусулмонларнинг кўплаб  
истак ва ҳоҳиларини қон-  
дириш ва Ўрта Осиё мусул-  
монлари диний бошқармаси-  
нинг мурожаатини ёътибор-  
га олиб ҳамда фуқаролар  
ҳамжиҳатлиги ва меҳр-оқи-  
батини юксалтириш мақсади-  
да «Қурбон ҳайит» («Ийд  
ал-адҳа»)ни бу йил 22 июнь  
куни ва кейинги йилларда  
эса «Қурбон ҳайит»нинг би-  
ринчи куни дам олиш куни  
деб тайинлансан.

Ўзбекистон Совет  
Социалистик Республикаси  
Президенти

И. КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри,

1991 йил 20 июнь.

## КЕНГАШЛИ ТЎЙ ТАРҶАМАС

2 мингдан ортиқ қария-  
лар йигилган ушбу учра-  
шувни Паркент масжиди  
имом-хатиби Обиджон Ма-  
мажонов кириш сўзи билан  
очди. Ўз сўзида бугунги му-  
лоқотдан асосий мақсад  
кексалар маслаҳатини олиш,  
уларнинг ният ва истакла-  
рини, фикр-мулоҳазаларни  
билишдан иборат экан-  
лигини таъкидлади.

Унда туман фирқа қўми-  
тасининг котиби А. Сатто-  
ров, туман прокурори К.  
Ғанибоев, ҳалқ судининг  
раси А. Абдуқодиров, иж-  
роқўм расисининг ўринбосари  
Қ. Эшмалов, Паркент шаҳар  
Кенгаши раси С. Тўйчиев, «Паркент тонгиг»  
рўзномасининг муҳаррири  
М. Тоиров, ИИБ бошлигин-  
нинг ўринбосари Т. Норбо-  
ев, матлубот жамияти ҳам-  
да маориф бўлими вакил-

лари қатнашдилар.

Бу ерга тўплланган ота-  
хонлар ўзларининг таклиф-  
ларини билдиришиб, кўп-  
лаб саволлар ҳам берди-  
лар. Улар жиноятчиликка  
қарши курашда, жамоат  
тартибини сақлашда ми-  
лициянинг ролини ошириш  
кераклигини, ИИБ бино-  
сини эски жойига кўчи-  
риш зарурлигини, ишсиз-  
ларни иш билан таъминлаш  
лозимлигини айтиб  
уттилар.

Айниқса, тўй тарадду-  
дидаги юрганлар камеб мол-  
ларни тополмай қўйнала-  
ётгани ва бу буюмлар чай-  
қовчи қўлида ётгани ҳақи-  
даги саволлари ўрини  
бўлди.

Миркарим  
МИРСОВУРОВ,  
ички хизмат майори.

## САВДОДАГИ ҒАҒФОЛАР

Ҳаяжон ва ҳадик билан  
узоқ кутганимиз — бозор  
муносабатлари ниҳоят ҳаё-  
тимизга кириб келиб, бир  
қатор муаммолар ўтиклиги  
яққол сезилиб қолди. Биринчидан, турли хил  
буом ва маҳсулотлар нар-  
хи осмонда бўлса, иккин-  
чидан, савдо тармоқлари-  
дан ўша нарсаларнинг ўзи-  
ни топиш мушкул бўляяпти.

Қолаверса, баъзи бир сав-  
до ходимлари шундоқ ҳам  
зўрга кун кўраётган ҳам-  
корларимиз ризқини қийиб,  
бойлик ортириш пайига  
тушиб қолишган. Ноёб  
молларни яшириб қўйиш ва  
кулай пайт топиб, бир не-  
ча баробар қимматига пул-  
лаш уларнинг иш услубига  
айланган.

Яқинда туман ҳалқ на-  
зорати қўмитаси ва ИИБ  
БХСС ходимлари ҳамкор-  
ликда текшириш ўтказди-  
лар. Юқорида айтганимиз-  
дек, кўплаб дўконларда  
савдо қондалари қўпол ра-  
вишда бузилаётганилиги аниқ-  
ланди.

Хива тумани матлубот  
жамиятлари итифоқига қа-  
рашли 28-дўкон сотувчиси  
Эргаш Худойберганов ха-  
ридорнинг 5 сўм 50 тийин  
ҳақини ўриб қолди. Хива  
шаҳри матлубот жамиятла-  
ри итифоқига қаравши 8-  
хўжалик моллари дўкони  
сотувчиси Ҳасанбой Отаму-  
родовнинг турмуш ўрто-  
ги Амина Отажонова ха-  
ридорнинг 11 сўм 16 тийин  
ҳақини иккиланмасдан ўз-  
лаштириб юборди.

Хива туманидаги уму-  
мий овқатланиш корхона-  
сига қарашпи «Баҳор» кас-  
феси ошпази Арслон Сат-  
торовнинг ҳам нафси ўп-  
кон экан. У мижозлардан  
биралини 32 сўм 90 тийин  
ҳақини тухум ютганек  
гўмدون қўлмоқчи бўлди-ю,  
лекин иложи бўлмади. Улар  
сұҳбат чоғида «билмасдан  
адашган»ликларини рўкач  
қиласидилар. Бу баҳоналар-  
нинг ҳақиқатдан узоқлиги  
равшан, чунки бирорта ҳам  
харидор фойдасига  
«адашмаган».


Харидорига молларни  
яшириб қўйиш бўйича ти-  
жорат дўкони сотувчиси  
Оқијонон Бобоҷонова ту-  
манда рекорд ўрнатди. Дў-  
кон омбори кўздан кечи-  
рилганда, 2 минг 375 сўм-  
лик ноёб моллар — аёл-  
ларнинг чет элда тайёрлан-  
ган этиклари, камзуллари  
ва плашлари топилди.

Текшириш жараёнда фош  
этилган қондабузарлар қил-  
миши ҳужжатлаштирилиб,  
ҳалқ судига оширилди.

Бу билан адолат тантана  
қилди, деб мағрутлана ол-  
маймиз. Нега деганда, ҳа-  
ли бундай қаллобларнинг  
маслаҳошлари кам эмас.  
Уларга қарши кенг жамо-  
атчилик кураш олиб бори-  
ши керак. Шундагина лиги  
ицтисодий шароитдаги му-  
аммолар ўз ечимини топа-  
ди. Гафур ДАВЛАТОВ.

Хива тумани ва шаҳри  
ИИБ БХСС катта опе-  
ратив вакали милиция  
лейтенанти.

## ТЕХНИКА КҮРИГИ ДАВОМ ЭТМОҚДА



Тошкент шаҳар ИИБ ДАНБ диагностика бекати шу йилнинг 5 ойи мобайнида 20.020 та транспортни кўриқдан ўтказди. Уларнинг 11.238 таси шахсий, 1403 таси давлат транспортидир.

Режалаштирилган тадбирлар натижасида техник кўриқдан ўтганлиги ҳақида 5 та сохта муҳр, двигатель ва кузов раҳамаларининг ўзгартирилганининг 9 та факти аниқлайди, ҳужжатлар ЖКБга топширилди.

Чилонзор, Куйбишев, Киров туманларида кўриқдан ўтмаган шахсий автомашиналарни аниқлаш мақсадиди қисман ҳовлиларда ҳам текширишлар ўтказилди.

580 дан ошик ҳайдовчи ўз автомашинаси ойнадарини давлат ўлчамида кўрсатилган талабдан ортиқ даражада қорайтиргани учун огоҳланти-

рилди. Бу ишлар билан шугууланувчи «Тюльпан», «Тон» ширкатларининг раисларига расмий эслатмалар таъдим этилди.

**Даврон УМАРОВ,**  
Тошкент шаҳар ИИБ  
ДАНБ диагностика бекати бошлиги милиция майори.

**СУРАТЛАРДА:** 1. Техник оператор Т. Павлова ҳайдовчиликнинг ҳужжатларини рўйхатга олмоқда.

2. Бекатнинг ходими милиция лейтенанти Э. Ҳожиматов шахсий автомашинани кўриқдан ўтказмоқда.

3. Милиция капитани Ҳ. Умаров (ўртада) кўриқдан ўтган автомашина техник паспортларига маҳсус муҳр ўтмоқда.

**Боқижон ХОЛМИРЗАЕВ**  
олган суратлар.

Ҳозирги кунда жиноятчилик ортаётir. Бу ҳақда гап кетса, айримлар айни милиция, суд, прокуратурага, баъзилар қонуннинг бўшилтига тақайди. Яна кимлардир тўқлилка-шўхлик, дейди.

Менимча, бу гаплар у қадар тўғри эмас. Милиция, суд, прокуратура ходимлари зарур техник жиҳозларга эга эмаслар, бу — тўғри. Қонунларни эса рисоладагидай. Тўқлил ҳақида айтиш керакки, кимдир тўқ, кўпчилик эса, аксинча. Мана шу «аксинча»лик эмасми кан жиноята бошлётган! Келинг, биргалаши фикр юриталик, Кўпчилик тўқ эмасмиз, балки ҳам маддий, ҳам маънавий қашшоқмиз. Ишонмасангиз, дўконга боринг, мактабгача тарбия муассасалари ва мактабларни айланинг. Дўконлар ахволи мәлум, Ҳуш, тарбия масканлари-чи? Фарзандларимиз қатнайдиган бу даргоҳларнинг ночорлиги, тарбиянинг носозлиги ёллони? Жиноятынинг илдизи айнан шу жойларда эмасмикан? Энди далилларга муроҷаат қиласлий. Тошкент шаҳрида 1988 йили 1086 та, 1989 йили 1285 та, 1990 йили эса 1914 та жиноят содир этилган. Шунинг 354 таси мактаб ўқувчилари ҳиссасига тўғри келади. Тошкент шаҳрида 302 та ўрта мактаб бўлиб, жиноятчи ўқув-

ненко даврида мактаб ўқитувчиларининг дарс соатлари кис-қартирилиб, маошлари оширилганди. Масалан, бошланғич таълимда бир ҳафталик дарс ҳажми 24 соатдан 20 соатга камайтирилди, маош эса 80 сўмдан 140 сўмга етказилди. Юқори синф ўқитувчилиси эса 18 соатлик дарс учун 100 сўм ўрнига 130 сўм оладиган бўлди. Аммо негадир таълим-тарбия самарадорлиги оширади. Негаки, авваллари 80 сўм учун жон койтишини истамай бошқа мўманирой соҳада ишлаётган ўқитувчилар ўзларини мактабга «урдилар». 1990 йили Президентимиз И. Каримов мактаб ўқитувчиларига қўшимча имтиёзлар белгиловчи, уларни мухофаза қўйувчи, уларга имтиёзлар берувчи қонун. Аввало «ёлғиз она» иборасини қўллашнинг ўзиёқ аёлларимиз учун ҳақоратдир. Аммо ёлғиз оналар учун фамхўрлик қиливчи қонун покномон, заҳматкаш, муштипар аёлларни камситиб қўйган. Беш-олти нафар қонуний ниҳоҳдан туғилган гўдагни ўстирган аёл бир нафар никоҳиз фарзанд ўстирган онадан кўра имтиёзлар: тиббий хизмат, ўй-жой олиш, касаллик варақаси олишда бу нарса, айниқса, яққол кўзга кўрилади. Тўғри, гўдакда айб йўқ. Аммо қонуний фарзанд кўр-

## ЖИНОЯТЧИЛИК КЎПАЙМОҚДА: НЕГА?

чилар сони мактаблар сонидан ортиқ экан. Бу ерда изоҳга ҳожат йўқдир. Ҳуш, нега жиноятчилик ўсмирларни ўз комига тортмоқда? Менинг сұхбатдошым, меҳнат-тарбия муассасаси ходими ички хизмат катта лейтенант С. Полухин шундай жавоб қилди:

— Балоғатга етмаган ёшлар ўртасидаги жиноятчиликнинг асосий сабаблари: кемтик (отасиз ё нарасиз ўсни, ота ёки она ароқхўр, маънавий бузук) оила мудити, ёлғиз оналар берган «тарбия», мактаблардаги таълим-тарбиянинг ёмон йўлга қўйилиши (маънавий қашшоқлик — Д. С.), иккисидай қашшоқлик ва аҳлоқ-одоб кондадарига тўғри келмайдиган видеофильмлар.

Мазкур муассаса оғир жиноят: қотиллик, қароқчилик, ноғусга тажовуз қилган жиноятчилар учун мўлжалланган. Мен яна сўрадим:

— 1989 йилга нисбатан бу ердаги қамалгандар сони 1990 йилда кўплайдими, камайдими!

— Бу ерда 1989 йилда тахминан 360 нафар жиноятчи ёшлар бўлган, 1990 йилда уларнинг сони 400 нафарга етди.

Қарийб ўн иккиси фоизга ортган. Шунингдек, 1990 йили 127 нафар озодликка чиқсанлардан 8-10 фоизи тақор жиноятча қўл урган. Сабаб?

Биздагиларнинг кўпчилиги болалар уйда тарбияланышган. Бу ердан озод бўлгач, борадиган мумкин яшаш ва иш жойлари йўқ. Жойлардаги мутасаддилар эса қамоқдан чиқкан одамга қандай қарашлари сир эмас.

Яна мактаблар масаласига қайтсан, ўсмирнинг жиноятчиликнинг фохиша бўлиб кешишига мактабнинг нима даҳли бор? Жуда бор-да! Дейлик, ўқувчи фанлардан уртача ўзлаштиради, аммо тўлиқ ўрта маълумот олини истайди. Бирор мактаб маъмурити туман халқ таълими бўлимидан берилган «план»га кўра ўқувчилик мажбурлаб «Хунар-техника» билим юртига жўнатади.

Ўқувчи эса, ўзи хоҳламаган жойда ўзи истамаган касбни эгаллашдан воз кечиб, кўча тентираб, кунини ўтказади ва кўпинча манинг бузук гурухларга қўшилиб қолади. Бу — исбот талаб қилмайдиган ҳақиқат! Афсуски, режали тарзда ўқувчиларни мактабдан «бадарга қилиш» ҳамон давом этмоқда. Бу эса ўз ўрнида жиноятчиликнинг ўсишига сабаб бўлаётir. Энди яна бир ҳақиқат мавжуддир, бу мустаҳкам алоқа ўрнатишлари зарур. Бу борада ягона битим тузиш фойдадан ҳоли бўлмасди, деб ҳисоблайман. Бу таклифга ички ишлар бўлмиларида раҳбарлар нима дер эканлар?

гач аёлнинг айби — никоҳдан ўтганими?! Ёлғиз она «тарбияси» туфайли жиноятга қўл урган болалар озим? Бу борада мен С. Полухиннинг Фикрига тўла қўшилишаман!

Таълим-тарбия масканларидаги ахволни бош йўналиш қилиб олдик. Бу бекиз эмас. Ўқитувчининг вазифаси — ёш авлодга таълим жараёнда тарбия ҳам бериш. Аммо айрим мактабларда ўқитувчилар ўз вазифасини сунистъмол қилмоқдадар. Фрунзе туманидаги бир мактабда директорни пенсияга чиқариш (кузбаш эмас!) маросимига ўқувчилардан бир сўмдан пул йиғиб совға олинган. Айнан шу мактабда бола бошлангич таълимни тутатиб, 4-сингла ўтётгани учун синфонани таъмирлашга 5 сўмдан, ўқитувчига атлас мато олиш учун 3 сўмдан пул йиғилмоқда. Эски вакълларда «Ҳафтаяқни тутатиб ўқувчи домлагча ё отинойига назир берган экан. Нима бу — таъмагирлими? Ёки тарихга қайтиши? Учинчи синф боласи саккиз сўмни қаёқдан олади? Ота-онаси бермаса-чи? Ўғирлик қилади. Чунки ҳамма олиб келяпти, у ҳам топиши керак! Билиб-билий, гоҳо ўз нафси йўлида болани жиноятга йўлга ўтганини ўқитувчилар бир ўйлаб кўрсалар бўлар эди.

СПИД, юрак хасталиги, ошқозон касаллигини XX аср қалликлари, дейишади. Мен бунга яна бир хасталик — ЛОҚАЙДЛИК иллатини қўшган бўлар эдим.

Қадимдан: «Дўстингдан қўрқма, нари борса, у хиёнат қилади, душманиндан қўрқма, нари борса, у ўлдиради. Лоқайдар киёнатида қилмайди, ўлдиради, уларнинг поқайдилиги туфайли ер юзида ЖИЁНАТ ва ҚОТИЛЛИК мавжуддир», — деган ҳикмат бор. Афсуски, поқайд кимсага жазо йўқ, афсус!

Ўсмирлар ўртасидаги жиноятчиликнинг камайтириш учун ички ишлар ходимлари, ота-оналар қўмиталари, халқ таълими мутасаддилари доимий ва мустаҳкам алоқа ўрнатишлари зарур. Бу борада ягона битим тузиш фойдадан ҳоли бўлмасди, деб ҳисоблайман. Бу таклифга ички ишлар бўлмиларида раҳбарлар нима дер эканлар?

Дилмурод САИДОВ,  
журналист.

**ТАҲРИРИЯТДАН:** муваллиф ўтиқриб мурасими қаламга олган. Ўйлаймизки, мақола ҳуқуқ-тартибиб идоралари ходимларидан қўрқишиларни ўзининг давом этмоқда. Бу эса ўз ўрнида жиноятчиликнинг ўсишига сабаб бўлаётir. Энди яна бир ҳақиқат мавжуддир, бу мустаҳкам алоқа ўрнатишлари зарур. Бу борада ягона битим тузиш фойдадан ҳоли бўлмасди, деб ҳисоблайман. Бу таклифга ички ишлар бўлмиларида раҳбарлар нима дер эканлар?

рўзномасеварларда қизиқиши ўғотади. Билдирилган Фикримулоҳазалар эса рўзномада чөп этиб борилади.



